



Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улғулаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон фармонида мувофиқ:

- Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2014 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 28 июль душанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, 2014 йил 28 июль кунини дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
- Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.
- Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 23 июль.

Ҳисобот давридаги фаолият

қониқарли деб топилди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Беруний туман ташкилотининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда конференция делегатлари билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Беруний туман Кенгаши депутатлари, Қорақалпоғистон республика партия кенгаши масъул ходимлари, партия фаоллари иштирок этди.

Конференцияда туман партия ташкилотининг ўтган беш йилдаги фаолияти, электрат манфаати ҳимояси бўйича қилинган ишлар таҳлил этилди, олданда турган энг муҳим вазифалар муҳофизат қилинди.
— Ўтган давр мобайнида партияимизнинг Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда электрат манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қатор ишларни амалга оширдик, — деди **ЎзХДП Беруний туман кенгаши раиси Халилла Эшимбетов**. — Туманимизда партияимизнинг 51 та бошланғич ташкилоти бўлиб, уларга 2600 нафардан ортиқ аъзо бирлашган. Туман партия кенгаши ташаббуси билан ҳудудий ривожланиш дастурларининг ижросига бағишланган қатор амалий ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Жамоатчилик қабулхонасига ҳисобот даврида 300 га яқин мурожаат тушган бўлиб, уларнинг 90 фоизи тегишли давлат идоралари ва ташкилотлари ёрдамида ижобий ҳал этилди.

Электрат манфаатини қўллаб-қувватлашда халқ депутатлари туман Кенгашига партияимиздан сайланган депутатларнинг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мисол учун, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ташаббуси билан Навоий, Амир Темур номи, «Гулистон» маҳаллаларида истиқомат қиладиган аҳолининг табиий газ билан таъминланиши яхшиланди. Бундан ташқари, кўпгина ижтимоий масалалар депутатларимиз иштирокида хал этилмоқда.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

2

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ



Марказий сайлов комиссияси

бошқа давлат органларидан мустақил равишда иш юритади. Бу кафолат янада мустаҳкамланмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилишида кун тартибидеги масала эълон қилинди. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юзасидан белгиланган маърузачи батафсил ахборот берди. Кейин депутатлар биринкетин фракция раҳбаридан сўз сўрай бошладил...

▶ Давоми 2-бетда.

«Обод турмуш»



Фаргона тумани «Чекшўра» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган кўркам ва шинам уйлاردан иборат маҳаллага «Обод турмуш» деб ном берилгани беҳиз эмас.

2013 йилда бу ерда 137 замонавий уй қуриб битказилди ва ўз эгаларига топширилди. Маҳалла гузаридида барча турдаги озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи минимаркет, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, минибанк, тантаналар зали мавжуд.

Жорий йилда тумандаги Чекшўра, Илғор, Миндонбод-2 массивларида 400 шундай уй-жойни бунёд этиш ишлари қизгин давом эттирилмоқда.

ЎЗА

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Электрат манфаатини ҳимоя қилишда

БПТнинг ўз ўрни, нуқтаи назари бор

Бизнинг бошланғич партия ташкилотимиз атрофида 18 нафар аъзо бирлашган. Бир қарашда бу жуда оздек туюлиши мумкин. Лекин бошланғич ташкилотнинг салоҳияти аъзолар сонидан кўра кўпроқ амалий ишларида, ташаббусларида, юқори партия кенгашлари, депутатларга юбораётган таклифларида намоён бўлади, деб

ҳисоблаймиз. Биз ўзаро суҳбатлар, йиғилишларда партияимиз электрат манфаатини муносиб ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотимизнинг ўрни қандай бўлиши керак, деган саволни кўп муҳокама қиламиз. Кўпчилик аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламига банк хизматлари кўрсатиш сифатини янада

ошириш устидан жамоатчилик назоратини тизимли олиб бориш зарур, деган таклифни билдиришди.

Хайти тажриба шуни кўрсатмоқдаки, аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатилиши кўплаб ижтимоий масалалар жойларнинг ўзида оқилона ҳал бўлишини таъминлайди. Масалан, кам даромадли оилаларга қорамол сотиб олиши учун имтиёзли кредит ажратиш масаласига эътибор қаратайлик. Қора моли бор хондоннинг ўзига хос баракаси, қўшимча даромад манбаи бўлади.

▶ Давоми 2-бетда.

КИМ ЭДИГУ КИМ БУЛДИК?



Темир йўллар мамлакатларнинг асосий транспорт воситасидир. Юк ва йўловчи ташишда муҳим ўрин тутадиган бу соҳа иқтисодиётнинг қон ва жон томири ҳам ҳисобланади. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз ташаббуси билан тизимли ислоҳ қилиш, янги босқичга кўтариш юзасидан катта ишлар бошланганди. 2001 йилда дастлаб «Учқудук-Мискин-Султон-Увайстоғ» темир йўли фойдаланишга топширилган бўлса, кейинги бунёдкорлик жанубий воҳаларни ривожлантиришга қаратилди. Умумий қиймати 447 миллион АҚШ долларини ташкил этган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли эса том маънода халқимизнинг жасорати рамзи бўлди. Бу бунёдкорлик ҳақли равишда «Аср қурилиши» номи билан тарихда қолди. Ҳозирда вилоятимиздаги халқ хўжалиги юқларининг 80 фоизидан ортиғи мазкур пўлат излар орқали ташилаётгани унинг халқимиз ҳаёти ва ҳудудимиз ривожидидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Инсон қадрланган, меҳнати шарафланган юрт

Айни кунларда Сурхондарё темир йўллари 411,8 километрни ташкил этади. Йўловчи ва юк ташиш ишлари 25 та станция, 1 та разъезд ва 4 та вокзал орқали амалга оширилмоқда. Янги темир йўл фаолияти билан арзон, сифатли хизмат кўрсатишга асос яратилди ҳамда йилга 50-60 миллион АҚШ доллари иқтисод қилинишига эришилаётди. Бугун тизимда 700 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган бўлса, келажақда 3-3,5 мингга янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонлик йўлсозлар нафақат мамлакатимизда, қолаверса, минтақамизда ҳам улкан бунёдкорлик ишларида иштирок этмоқда. Жумладан, Афғонистонда 75 километрлик илк темир йўл мамлакатимиз темир йўлчилари томонидан қурилди. Лойиҳа қиймати 129 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу бунёдкорликлар давомида 30 га яқин сунъий иншоот, 3 станция ва 2 разъезд ишга тушди.

Маълумки, Буюк ипак йўлида жойлашган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари нефть, газ, рангли металл, кўмир ва бошқа талай конларга бой ҳудуд ҳисобланади. Темир йўл иш бошланиши билан қадим Қашқадарёда ўнга яқин йирик конлар фойдаланишга топширилди. Бойсун ва Шарғун кўмир конларидаги захираларни татбиқ этиш ишлари эса авжида. Булардан ташқари, Сурхон воҳаси марказидан қарийб 300 чақирим олинса жойлашган Хонжиза полиметалл конидаги бунёдкорликлар қизгин

давом этмоқда. Умумий қиймати 71,2 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган улкан лойиҳа мамлакат ривожини, иқтисодиётида муҳим ўрин тутиши муқаррар. Мазкур темир йўл ҳудудларининг ана шу имкониятларидан кенг фойдаланиш учун шaroит яратди.

Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида эса яна бир янги — «Тошкент — Денов» тезюрак поезди ҳаракатининг йўлга қўйилгани Сурхон воҳасининг шимолий туманларида истиқомат қилувчи 1 миллион нафарга яқин аҳолининг узоғини яқин, мушқулини осон қилди.

Бир сўз билан айтганда, истиқлолнинг ҳар бир куни халқимиз учун қувончларга бой бўлмоқда. Юртимизда Инсон қадрли юксакларга кўтарилаётган. Мен оддий машинаэстман. Энг улғу ва энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвон билан тақдирландим. Бу нимани билдиради? Мамлакатимизда инсон қадрли улғуланаётгани, меҳнати қадрланаётганининг тасдиғи эмасми?..

Мустақиллик берган имкониятларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Буни ҳар биримиз ўз тақдиримиз, фаровонлашаётган турмушимиз, тобора обод бўлаётган шаҳар-қишлоқларимиз орқали ҳис қилиб яшамолдамиз.

Юсуп ЗИЯЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
ЎзХДП аъзоси.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Мустақиллик моҳияти

аввало, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларда ёрқин намоён бўлмоқда



www.uzbekistonovozi.uz



Мамлакатимизда йил бошидан буён

506,4 минг янги иш ўрни яратилди

2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тизимли асосда амалга ошириш натижасида жорий йил бошидан буён мамлакатимизда 506,4 минг янги иш ўрни яратилди. Улардан 303,2 мингтаси (59,9 фоиз) қишлоқ жойларда ташкил этилди. Ортиқча иш кучи мавжуд 32 туман аҳолиси бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу ерда 74,7 минг янги иш ўрни вужудга келди.

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят ташкилотлари томонидан ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқшингиз мумкин!



Юртимиз тинч, элимиз обод, ризқимиз бутун

«Ўтган давр мобайнида улкамизда ғалла етиштиришнинг умумий ҳажми 940 минг тоннадан 8 миллион тоннага етгани, ўртача ҳосилдорлик гектарига 17 центнердан 55 центнерга ўсгани бизнинг бу соҳада илгари фарз қилиш ҳам қийин бўлган, қандай улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далolat беради».



3



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси



**МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА
БАРЧА МЎМИН-МУСУЛМОНЛАРНИ
МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.**



**ЮРТИМИЗГА ҲАМИША МАЪМУРЧИЛИК
ВА РАВНАҚ ТИЛАЙМИЗ.**

**ЎЗARO МЕХР-ОҚИБАТ, ҲАМЖИҲАТЛИК
ҲЕЧ ҚАЧОН БИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН!**

ҲАЙИТ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

| | | |
|---------------------|------------------|--------------------------------------|
| Abdulla ORIPOV | Ulug'bek | Saidahmad RAHIMOV |
| Hotamjon KETMONOV | MUSTAFOYEV | Farrux HAMROYEV |
| Ulug'bek VAFOYEV | Muslihidin | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Rustam KAMILOV | MUHIDDINOV | Tat'yana KISTANOVA |
| Sharbat ABDULLAYEVA | Ochilboy RAMATOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) |

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760
11713
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5